

СОДИҚОВ Жўрабек Собирбоевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси,
исломишунослик фанлари PhD
Email: jurabeksodiq@gmail.com

ИМОМ МОТУРИДИЙ АСАРЛАРИДА ТАКФИР ВА БОҒИЙЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

THE EXPLANATION OF TAKFIR (EXCOMMUNICATION) AND BAG'I (INSURGENCY) ISSUES IN THE WORKS OF IMAM MATURIDI

ОСВЕЩЕНИЕ ВОПРОСОВ ТАКФИРА И ПРИТЕСНЕНИЯ МУСУЛЬМАН В ТРУДАХ ИМАМА МАТУРИДИ

Аннотация: Бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири, шубҳасиз, “такфир” масаласи ҳисобланади. Чунки, ҳозирги пайтда кўплаб мутаассиб фирқалар томонидан мусулмонларни кофирга чиқаришда ҳаддан ошиш, яъни куфр саналмайдиган ишларда ҳам кофирликда айблаш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу ҳолат бўлса мотуридийлик эътиқодига кўра боғийлик саналади. В связи с этим, для преодоления этих проблем большое значение имеет изучение научное наследие Имама Матуриди и эффективное их использование в борьбе с фанатизмом.

Калим сўзлар: такфир, боғийлик, ақида, Мотуридий, “Таъвилот аҳли-с-сунна”, хорижийлар, ширк, куфр, фирқа.

Abstract: One of the relevant topics of today, undoubtedly, is the issue of “takfir”. This is because, at present, there is an increase in the excommunication of Muslims by many extremist factions, meaning that cases of labeling someone as a disbeliever even in matters where disbelief cannot be considered are being observed. If such a situation arises, it is considered insurgency according to Maturidism. Therefore, studying the works of Imam Maturidi to refute these issues and effectively use them against extremism holds great importance.

Keywords: takfir (excommunication), bag'i (insurgency), belief, Maturidi, “Ta'wilat ahli-s-sunna”, Kharijites, polytheism, disbelief, sect.

Абстракт: Несомненно, одним из актуальных вопросов современности является вопрос «такфира». Потому что, в настоящее время среди многих фанатичных сект наблюдаются случаи преувеличения «такфира» мусульман, т.е. случаи обвинения их в неверии даже в тех моментах, которые не считаются неверием. Такие фанатичные действия, согласно матуридитской школы считаются «бугъат»ом (притеснение мусульман). Поэтому для преодоления этих проблем большое значение имеет изучение научного наследия Имама Матуриди и эффективно его использование в борьбе с фанатизмом.

Ключевые слова: такфир, вероучение, багъи (притесняющий), Матуриди, «Таъвилат аҳли-с-сунна», хариджиты, многобожие, неверие, секта.

КИРИШ

Тарих ва ҳозирги кун диний тафриқачилик, ақидапарастлик ва мутаассибликнинг инсоният, хусусан, ислом дунёси қаршисида турган энг катта муаммолардан бири эканлигини кўрсатмоқда. У сабаб юз берган келишмовчиликлардан тортиб то қонли урушларгача бўлган жараёнлар ислом ҳамжамиятига чексиз кулфатлар келтирган. Афсуски, бу жараён ҳали-ҳануз давом этмоқда. Айниқса, бугунги бутун дунё миқёсида фикрлар алмашинуви кучайган глобаллашув даврида бу муаммо ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб қилмоқда.

Такфир – (араб. – куфрда айблаш, инкор қилиш, осий бўлиш, тан олмаслик) мусулмон кишини кофирлик ва имонсизликда айблаш ҳисобланади. Такфир, даставвал, фақат ислом ақидасини қабул қилмаган, унга қарши гаплар ва амаллар қилаётганларга нисбатан ишлатилган. Бирок, тарихда ўтган хорижийлар оқими ўз эътиқодларига қўшилмаган мусулмонларни ҳам кофирликда айблашган ва бу ҳолат ҳозирги аксар диний-экстремистик гуруҳлар томонидан ҳам кузатишмоқда.

Аслида, бирор бир мусулмонни ноҳақ куфрда айблаш ниҳоятда оғир гуноҳ саналади. Шу боис аҳли сунна олимлари бу борада жуда эҳтиёткор бўлишга чакирадилар. Мазкур эътиқодий мавзу ақида илмида “ал-Асмо вал-

аҳком масаласи”, деб аталади. Яъни, “ал-асмо” – кофир, мусулмон, фосик, фожир, мунофик каби диний номлар ва нисбатлар, “вал-аҳком”дан мурод эса – ушбу ном ва нисбатларнинг дунё ва охиратдаги соҳибларидир. “ал-Асмо вал-аҳком” – охиратдаги мукофот ва жазога ҳамда бу дунёдаги дўстлик ва душманлик, қатл ва омонлик каби ҳукмларга алоқадор жиддий масала ҳисобланади. Ушбу масалада мотуридийлик ва ашъарийликнинг қарашлари ўзаро мувофиқ келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аҳли сунна бу борада васатийликни – мўътадил йўлни тутган. Яъни, мусулмонларга юқоридаги каби ном ва нисбатларни беришда хорижийлар, мўътазилийлар каби ҳаддан ошиб кетмаганлар ёки муржиъийлар каби “мўъминга гуноҳ ва маъсиятлар асло таъсир қилмайди”, – дея, мазкур масалага жуда юзаки ҳам қарамаганлар.

Масалан Қуръони каримнинг:

“Аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матоҳини (ўлжани) кўзлаб: “Мўъмин эмассан”, – демангиз!” (Нисо: 94) [1:93] – ояти тафсирида Мотуридий қуйидагиларни айтади:

“Мазкур оят нозил бўлишига сабаб бўлган қисса қандай бўлганини билмаймиз. Лекин, бу ўринда шубҳалардан тийилиш ва имон калимаси айтилганда тўхташга буйруқ бор. Шунингдек, мўъминнинг ишлари ва хабарларида шубҳаланишдан тўхташ вожиб ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ таоло: “Аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига: “Мўъмин эмассан”, – демангиз!” – дея амалларда қатъий аниқликка буюрмоқда... Демак, агар уларни: “Мўъмин эмас”, – дейишдан қайтарган экан, ўз-ўзидан: “Улар мўъмин”, – дейишга буюрган бўлади. Агар бунга қаршилар бўлса, уларга: “Сиз илмлироқмисиз, ёки Аллоҳми?” – дея жавоб берилади” [2:424].

Замондош мотуридийшунос олим Адил Бебек Мотуридий асарларидаги асосий тамойилларни умумлаштирган ҳолда куфрнинг моҳияти ҳақида қуйидагиларни айтади:

“Мотуридийликка кўра куфр – Аллоҳни танимаслик, Унга бўйинсунмаслик, Унинг бирлигини қабул этмаслик, қалбдан севмаслик, Яратганга қарши чиқиш, Уни ёлғонга чиқариш ва инкор этиш, Аллоҳ ва Расулига енгил-елпи қараш ва У ҳаром қилган нарсаларни (билган ҳолатда) ҳалол деб санашлик ҳисобланади” [3:150].

Демак, юқоридаги сифатлар бирор кишида топилмас экан, уни кофир дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу боис бугунги кундаги адашган оқимлар ва жиҳодчи ташкилотларнинг мусулмонларни шариатга тўлиқ амал қилмасликда айблаб, кофирга чиқаришларини, қонини ҳалол санашларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Мотуридий ҳозирги пайтда кўплаб адашган фирқалар томонидан нотўғри тафсир қилинаётган қуйидаги оят:

وَمَنْ لَّمْ يَخُذْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ...

“... Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир” (Моида: 44) [1:115], – тафсирида жуда қисқа, лекин, аниқ ва тушунарли жумла келтиради:

“Кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш лозимлигини инкор этса ва Унинг ҳукмини ҳақ деб билмаса, ана ўша кимса кофирдир” [4:237].

Ушбу оят тафсирида “Қуръон таржимони” ва “Илм денгизи” каби юксак эътирофларга сазовор бўлган Ибн Аббос (р.а.): “Аллоҳнинг ҳудуди (ҳукмлари)дан бирортасини инкор этган киши кофир бўлади. Аммо, инкор этмай иқрор ва тасдиқ этган ҳолида уларга мувофиқ ҳукм қилмаса, у кофир бўлмайди, балки фосик (гуноҳкор) бўлади” [5:439], – деб айтган.

Кўриниб турибдики, мутаассиб гуруҳларнинг мусулмон раҳбарларни шариат билан ҳукм қилмаётганлари сабаб кофирга чиқаришлари умуман асоссиз экан.

Юқорида тўхталиб ўтилган долзарб муаммоларга боғлиқ равишда келиб чиқадиган яна бир жиддий мавзу – боғийлик масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб адашган оқим ва фирқалар ўз давлат раҳбарларини юқоридаги каби нотўғри тушунчалар сабабли кофирликда айблаб, уларга қарши чиқмоқдалар. Бу нозик мавзулардан айрим ғаразли кучлар ҳам

жуда устамонлик билан фойдаланмоқдалар. Натижада бегуноҳ инсонлар, хусусан, кўп ҳолларда мусулмонларнинг қони тўкилмоқда.

Ислом уламолари боғийлик масаласида қуйидаги оятдан далил олишган:

وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتْ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَىٰ فَفَاتِلُوا آلَتَيْ تَبَعِي حَتَّىٰ تَفِيءَ إِلَىٰ أَمْرِ اللَّهِ فَإِنْ فَاءَتْ فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْصُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

“Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз! Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушингиз! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан тузатиб қўйинглар ва адолатли бўлингиз! Зеро, Аллоҳ адолатлиларни севар” (Хужурот: 9) [1:516].

Мазкур оят тафсирида Мотуридий қуйидагиларни айтади: “Ушбу оятдан Али ибн Абу Толиб (р.а.) билан Ҳаруро ва Наҳрон аҳли ўртасидаги воқеаларга изоҳ топиш мумкин. Али (р.а.) уларга қарши уруш бошлаганида одамлар айтишди: “Улар мушрикларми?” Али (р.а.) жавоб берди: “Улар ширк босқичидан ўтиб кетишган”. “Унда мунофиқларми?” – деб айтишди. У деди: “Мунофиқлар Аллоҳни жуда кам зикр қилишади”. Шунда одамлар: “У ҳолда ким улар?” – деб сўрашди. Али (р.а.) бу саволга қуйидагича жавоб берди: “Улар бизга тажовуз ва уруш қилган кишилардир. Шу сабаб биз ҳам уларга қарши уруш қилдик” [6: 67-68].

Шунингдек, аллома: “Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушингиз!” – жумласи тафсирида шундай дейди: “Яъни, икки тоифадан бирортаси зулм қилса ва ҳақ бўлмаган нарсани талаб қилса, тажовузкорларга қарши то Аллоҳнинг амрига ва ҳаққа қайтгунарича жанг қилинлар. Аллоҳ таоло бу ўринда тажовузга учраган тоифага ёрдам беришга, уларни боғийлардан ҳимоя қилишга буюрмоқда... Агар, қачонки, уларнинг тажовузлири ва исёнларини қуролсиз тўхтатиш мумкин бўлса, шундай қилиш тўғри ва вожиб ҳисобланади. Агар уларни урушсиз тўхтатишнинг иложи бўлмаса, бунинг нотўғри тарафи йўқ. Чунки, Али (р.а.)

улуғ саҳобийлар билан бирга боғийларга қарши жанг қилганлар...” [6:68-69].

Боғийликнинг асл келиб чиқиш сабаби бошлиқларга ва раҳбарларга итоатсизлик ҳисобланади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!” (Нисо: 59) [1:87].

Ушбу оят тафсирида Мотуридий қуйидагиларни айтади:

“Уламолар “ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқлар” кимлиги борасида ихтилоф қилишган. Улар “амирлар” ёки “қўшин бошлиқлари”, дейилган. Шунингдек, улар “олимлар ва фақиҳлар” ёки “яхшилик аҳли”, – деган қарашлар ҳам бор... Бу оятда у қўшин бошлиқлари бўладими ёки бошқами, илмли ва узоқни кўра оладиган кишигина раҳбар бўлиши кераклигига далил бор. Чунки, Аллоҳ таоло фақат илмли ва узоқни кўра оладиганларга итоат қилишга буюрмоқда... Аллоҳ таолонинг бундан олдинги оятда: “Агар инсонлар ўртасида ҳукм қилсанг адолат билан ҳукм чиқар”, – дейиши “иш эгалари”нинг бошлиқлар эканлигини кўрсатади. Чунки, Аллоҳ таоло олдинги оятда ҳокимларни адолат қилишликка, раъиятни эса ҳукм қилинган ва буюрилган нарсаларга қулоқ тутишга ҳамда итоатга буюрмоқда... Ибн Умар (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган бир ҳадисда айтиладики: “Мусулмон киши модомики гуноҳга буюрмас экан хоҳ яхши кўрсин, хоҳ ёмон кўрсин бошлиқлар буюрган ишга итоат этиши лозим. Агар кимки маъсиятга буюрса, унга қулоқ солинмайди ва итоат ҳам этилмайди” [7: 292-293].

Ҳозирги пайтда ақидапараст оқимлар Қуръон оятларининг нотўғри талқини орқали нафақат бошқа дин вакилларига нисбатан душманлик кайфиятини уйғотмоқдалар, балки, мусулмон жамоаларини ҳам бир-бирига қарши қўймоқдалар. Албатта, бундай шароитда Қуръон оятларини анъанавий ислом руҳида шарҳлаган “Таъвилот аҳли-с-сунна” каби тафсирларга ҳар қачонгидан ортиқ эҳтиёж туғилади.

ХУЛОСА

Бугун бир пайтлар вужудга келган хорижийлик, мўътазилийлик, қадария, жабария, жаҳмийлик ва қарматийлик каби ислом оламида кўплаб фитналарга сабаб бўлган фирқалар тарихга айланди. Уларнинг ўрнини сохта салафийлик, хизбу-т-таҳрир ва жиҳодчилар каби янги номлар эгаллади. Бу фирқалар билан тарихда ўтган адашган оқимларнинг келиб чиқиш сабаблари ва эътиқодлари ўзаро қиёсланса кўплаб умумий жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, мазкур адашган фирқа ва оқимларнинг аҳли сунна билан ихтилоф қилган мавзулари бир-бирига жуда ўхшаш. Айниқса, охириги йилларда сохта салафийлар ва жиҳодчи фирқалар имон, куфр ва ширк масалаларида фитналар чиқариб, мусулмонлар бошига тушган кўплаб кулфатларга сабабчи бўлдилар.

Юқорида келтирилган оятлар тафсири шуни кўрсатадики, Абу Мансур Мотуридий ислом дунёсида саҳобийлар давридан то бугунги кунгача кўплаб фитналарга сабаб бўлган бир қатор муаммоларга тўғри ечимлар ва оқилона хулосалар бера олган. Шу сабаб, аллома илмий мероси ҳозирги даврда мавжуд бўлган кўплаб эътиқодий ихтилофларни бартараф қилишда катта амалий аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
2. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2005. – Ж. III. – 476 б.
3. Адил Бебек. Matürldide günah problemi. – Истанбул: Байрак, 1998. – 217 б.
4. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2006. – Ж. IV. – 424 б.
5. Абул Баракот Насафий. Тафсир ан-Насафий. – Байрут: Дор алкалим ат-тоййиб, 1998. – Ж. I. – 600 б.
6. Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна / Бакр Тўпал ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дор ал-мийзон, 2007. – Ж. XIV. – 428 б.
7. Мотуридий. Китобу-т-тавҳид / Бакр Тўпал ўғли ва Муҳаммад Аручи таҳрири остида. – Байрут: Дор ас-садр, – Истанбул: Иршод, 2011. – 538 б.
8. Абулфатҳ ибн Абдулкарим Шахристони. ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – Ж. II. – 255 б.
9. Мотуридий. Китобу-т-тавҳид / Бакр Тўпал ўғли ва Муҳаммад Аручи таҳрири остида. – Байрут: Дор ас-садр, – Истанбул: Иршод, 2011. – 538 б.
10. Sodikov, J. S. (2022). Factors of application of intellectual evidence in the tafsir of Abu Mansur Moturidi “Ta’wilat ahl as-sunnah”. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (108), 524-527. Soi:<http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-108-58> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.04.108.58>